

БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

2017 йилнинг январь–июнь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 162,6 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 43,9 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–июнь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 13 421,2 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 фоизга ошди.

2017 йилнинг январь–июнь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,8 фоизни ташкил этди. Нодавлат секторида жами бандлар улуши 82,1 фоизга етиб, 2016 йилнинг шу даврида 81,8 фоизни ташкил қилган.

Давлат ва нодавлат секторида бандлар сони қуйидаги жадвалда келтирилган¹⁾:


	<i>Жами бандлар, минг киши</i>	<i>шу жумладан, жами сонига нисбатан фоизда</i>	
		<i>давлат секторида</i>	<i>нодавлат секторда</i>
Ўзбекистон			
Республикаси	13 421,2	17,9	82,1
Қорақалпоғистон Республикаси	647,9	22,2	77,8
вилоятлар:			
Андижон	1 285,7	13,6	86,4
Бухоро	824,0	17,9	82,1
Жиззах	455,7	18,5	81,5
Қашқадарё	1 196,4	16,5	83,5
Навоий	418,6	36,3	63,7
Наманган	1 008,7	16,0	84,0
Самарқанд	1 518,7	14,3	85,7
Сурхондарё	987,8	17,3	82,7
Сирдарё	345,7	19,2	80,8
Тошкент	1 310,2	15,7	84,3
Фарғона	1 518,1	15,4	84,6
Хоразм	729,3	16,2	83,8
Тошкент ш.	1 174,4	28,5	71,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан бандлар сонининг сезиларли даражада ўсиши ташиш ва сақлашда (3,3 фоизга), қурилишда (2,8 фоизга), ахборот ва алоқада (2,6 фоизга), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (2,1 фоизга) кузатилди.

¹⁾ Дастлабки маълумот

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш билан бандлар улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 27,0 фоизни, саноатда 13,6 фоизни, савдода 10,6 фоизни, қурилишда 9,2 фоизни, таълимда 8,3 фоизни ташкил этди.

Иш билан бандларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидаги графикда келтирилган:



Шунингдек, 2017 йилнинг январь–июнь даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандларнинг жами бандлардаги улуши 77,7 фоизни ташкил этди (2016 йилда 77,4 фоиз бўлган).

Ишсизлик¹⁾. 2017 йил июнь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 8,3 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига (5,8 минг киши бўлган) нисбатан 42,7 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2017 йил январь–июнь ойларида 741,4 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,2 фоизни ташкил этди.

¹⁾ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида